

## **Биржанинг январь-ноябрь 2020 йил учун пахта толаси бозори**

Умуман олганда 2020 йил январь-ноябрь ойларида Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг электрон савдолари орқали 345 минг тоннадан зиёд пахта толаси сотилди, бу ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда 18%га камдир. Ўртача ойлик ҳажмлар 31 минг тонна атрофида қайд этилди.

Ойма-ой ҳолатга эътибор берадиган бўлсак бу ерда ўзгарувчанлик кузатилмоқда. Хусусан йил бошида сотув ҳажмлари 38 минг тоннани ташкил этган бўлса, апрель ойига келиб ушбу кўрсаткич 8,5 минг тоннагача, яъни минимал даражага тушиб кетди. Июнь ойида эса максимал кўрсаткич қайд этилди, яъни сотув ҳажмлари кескин 68 минг тоннагача кўтарилди. Ноябрь ойининг охирларига келиб эса сотувлар 30 минг тоннадан ошди.

Куриб чиқилаётган даврда 5 хил навли пахта толаси сотилди. Энг юкори сотув ҳажмлари 1 нав 4 типдаги пахтага тегишли булиб унинг улуши 70% ни ташкил этди. Иккинчи уринда 1 нав 5 тип ва 2 нав 4 типдаги пахтанинг улушлари мос тарзда 13% ва 8% ларни ташкил қилди. Бошқа навдаги пахта толаларининг улушлари 3% дан ошмади.

Кўриб чиқилаётган даврда мазкур бозорда нархларнинг ўзгарувчанлиги кузатилмоқда. Ушбу ўзгарувчанлик талаб ва таклиф ҳамда жаҳон бозорлардаги ҳолатларга боғлиқлик бўлди. Хусусан январь-апрель ойларида нархлар 15,1 млн сумдан 13,3 млн сумгача пасайди.

Май ойда бозор кўтарилди бошланди ва ушбу жараён ноябрь ойигача давом этди. Нархлар маҳсулотнинг бир тоннаси учун 13,5 млн сўмдан 15,3 млн сўмгача, яъни 13% га ошди.

Жаҳон бозорларидаги ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, бу ерда ҳам ўхшаш тенденция қайд этилмоқда. Хусусан январь-март ойларида Нью-Йорк товар биржасида пахта толаси учун фьючерс шартномаларининг нархи маҳсулотнинг бир тоннаси учун 1487 АҚШ доллардан 1127 АҚШ долларгача пасайди. Пасайиш даражаси 24% ни ташкил этди. Ушбу пасайиш дунёдаги коронавирус пандемияси билан боғлиқ бўлди.

Бироқ кейинги ойларда Хитой ва бир қатор бошқа мамлакатлар иқтисодида тикланиш жараёни бошланганлиги сабабли пахта бозорларида талаб даражаси кўтарилди бошлади. Натижада котировкалар апрель-ноябрь ойларида 1265 АҚШ доллардан 1597 АҚШ долларгача, яъни 26% га ўсди.

Пахта толасини ички бозорида ҳудудлар кесимида талаб кескин ўзгармади. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг улуши 29% ни ташкил қилди. Кейинги ўринлар Фарғона водийсига тўғри келади. Хусусан, Фарғона вилоятининг улуши 28%, Наманган вилоятининг ва Андижон вилоятларининг улушлари ўзаро тенг – 8% ни ташкил этмоқда. Шунингдек Сурхондарё вилоятининг улуши ҳам 8% атрофида қайд этилди. Бошқа ҳудудларининг улушлари 1-6% диапазонда.